


**Фуқаролик ҳолати
далолатномаларини ёзиш
тартибларини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари
түғрисида**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 17 мартағи ПФ-89-сон фармонига мувофиқ аҳолига фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш билан боғлиқ давлат хизматларини осон ва қулай шароитларда кўрсатиш, туғилганлик ҳолатларини ўз вақтида қайд этиш, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажralганлик ҳолатларини қайд этишда оворагарчиликларнинг олдини олиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ходимлари ўртасида коррупциявий ҳолатларни ва ундаги навбатларни бартараф этиш ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибларини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги 540-сонли қарори

қабул қилинди.

Шунга кўра, туғилганликни тиббиёт муассасалари орқали фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида қайд этиш тартиби 2023 йил 1 январдан Тошкент шаҳрида, 2023 йил 1 июндан эса бутун республика худудида жорий этилади. Туғилганлик ҳолати фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида қайд қилинганлиги ҳақида тиббиёт муассасалари томонидан QR-код (матрик штрихли код) тасвири туширилган маълумотнома берилади ва ушбу маълумотнома туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномага тенглаштирилади ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан қабул қилишни рад этиш тақиқланади.

Туғилишни қайд этиш вақтида никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага нисбатан туғилганликни қайд этиш эса (баъзи ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқишини олдини олиш мақсадида) ФХДЁ органларида амалга оширилиши белгиланган.

Тиббиёт муассасалари томонидан тақдим этилган QR-код тасвири туширилган маълумотномалар ўрнига туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномани фуқаролар истаган вақтда ФХДЁ бўлимига қилган мурожаатларига асосан, белгиланган герб йиғими ундирилгач, расмийлаштириб берилади.

Узун туман ФХДЁ бўлими мудири в.в.б

Бозорова Дилсўз Абдумуродовна